2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 254 (1043), 2023 йил 6 декабрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ХАЛҚИМИЗ “ТАРЖИМАИ ҲОЛИ”

У МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ҚАДРИЯТЛАР БАРДАВОМЛИГИ БИЛАН ҲАЁТИЙДИР

Ватанимиз тақдири ва келажаги, миллий тараққиётимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида турибмиз.

Конституция яратилишидан мақсад инсон қадрини, унинг ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини таъминлашдир. Шунинг учун ҳам 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари бўйича француз декларациясида қайсики жамиятда инсон ҳуқуқлари кафолатлари, хусусан, ҳокимиятлар бўлиниши таъминланмас экан, бундай жамият Конституцияга эга бўлмаслиги қайд этилган.

Албатта, қанчалик эриш туюлмасин, ҳар қандай мукаммал ишлаб чиқилган Конституция ўз-ўзидан одамлар ҳаёти учун энг зарур масалалар, масалан, йўллар ёки шифохона-ю, мактаблар қуриб бермаслиги мумкин. Бироқ Конституция инсоният тамаддунининг энг муҳим ютуқларидан ҳисобланади. Чунки қайсики давлатда конституционализм, конституциявий маданият ўрнатилган бўлса, ўша жойда илм-фан ривожланади, қонун устуворлиги таъминланади, иқтисод, маданият тараққий этади. Бир сўз билан айтганда, инсон қадри юксалади, фаровонликка эришилади.

Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

КАМБАҒАЛЛИК 3,5 ФОИЗ қисқарди

Хитой тажрибаси юртимиз шароитида қанчалик самара бермоқда?

Тиббиётда аниқ ташхис қўймасдан туриб касалликни даволаш вазиятни янада оғирлаштиради. Жамиятдаги аксарият муаммолар ҳам шундай. Масалан, камбағаллик даражасини олайлик, мамлакатимизда бу борадаги рақамлар узоқ йиллар давомида сир сақлаб келинган. Аммо бу билан муаммо ҳал бўлиб қолмади, аксинча, катталашиб борди. Шунинг учун бундан бир неча йил олдин юртимизда илк бор камбағаллик даражаси эълон қилинганида кўпчилик учун кутилмаган воқелик бўлди.

Аввал ҳайрат билан қабул қилинган кўрсаткич ва айтилган рақамлар, кейинроқ танқидий таҳлил этила бошлади. Бироқ рақамларни очиқлашдан мақсад шунчаки хабардор қилиш эмас, балки камбағалликка қарши қатъий курашишдан иборат эди. Шундай бўлди ҳам. Юртимизнинг ҳар бир бурчагида фаоллик билан бошланган ҳаракат, аниқ чора-тадбирлар натижасида 2022 йил якунларига кўра, камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга тушгани қайд этилди.

Камбағалликни қисқартириш тез ва осон кечадиган жараён эмаслигини кўпчилик яхши тушунади. Бу ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, иқтисодий ривожланиш, турмуш фаровонлигини ошириш каби бир қанча йўналишларни қамраб оладиган яхлит жараёндир. Агар ҳаракатлар самарадор бўлмаса, ажратилаётган катта маблағ ўзини оқламаслиги мумкин. Шу боис, ҳар бир ҳудуд масъуллари зиммасига аниқ вазифалар юклатилиб, тизимли ишлар амалга оширияпти.

Давоми 4-бетда

БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ БАЙРАМИ ХОРИЖДА ҲАМ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Шу кунларда дунёнинг турли мамлакатларида доимий ва вақтинча яшаётган, таълим олаётган, меҳнат қилаётган юртдошларимиз Конституциямиз қабул қилинган кунни ўзгача кўтаринки руҳда байрам қилмоқда.

Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

МАМЛАКАТЛАРНИ ХАВФСИЗ КЕЛАЖАК УМИДИ БИРЛАШТИРАДИ

Сайёрамизда юз бераётган глобал иқлим ўзгариши туфайли кейинги йилларда иссиқ тўлқинлар, кучли шамоллар, қурғоқчилик, сув тошқинлари ва ёнғинлар нисбатан кўпроқ содир бўла бошлади, музликлар эриши янада кучайди. Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари Марказий Осиёда ҳам сезилмоқда. Минтақамизда ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар кўп. Фавқулодда иссиқ кунлар сони 2 марта ортди, музликлар майдонининг учдан бир қисми йўқолди.

Давоми 2-бетда

БАНДЛИК

ФАРОВОН ЯШАШ ФОРМУЛАСИ

Сўнгги йилларда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, касб-ҳунарга жалб этиш орқали бандлигини таъминлашга эътибор ошди, янги ташаббуслар қўллаб-қувватланяпти.

Камбағалликни қисқартириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш дастурлари изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда. Ҳудудларда “маҳаллабай”, “хонадонбай” асосида аҳоли даромадларини ошириш, бандлигини таъминлаш, субсидиялар ёрдамида ўзини ўзи банд қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарасини бермоқда. Ҳаётбахш ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида “Аёллар дафтари”га киритилган ишсиз, доимий даромадга эга бўлмаган хотин-қизларга кўмак кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давоми 4-бетда

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИ

ОРЗУ-ИСТАКЛАРИМИЗ РЎЁБИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТ

Бугун Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўсиш, ўзгариш яққол кўзга ташланмоқда, улкан янгиланишлар бўй кўрсатмоқда. Бундай тарихий эврилишлар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Қўйилган мақсад сари жиддий интилиш, қатъий сиёсий ирода, улкан яратувчанлик салоҳияти бунга пойдевор вазифасини ўтади.

Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси доирасида одамларни рози қилиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, халқимиз орзу-истакларига етишиши учун салмоқли ишлар бажарилди.

Президентимизнинг шу йил 11 сентябрдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳам инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, яқин келажакда амалга оширилажак ислоҳотларнинг туб мақсадларини қамраган устувор йўналишлар белгилаб берилган ҳужжат экани билан аҳамиятлидир.

Давоми 2-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

КЎРГАЗМАЛИ ЖАРРОҲЛИК ДАРСЛАРИ ёш физиологлар учун қизиқарли ва фойдали

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биология факультетида яқинда ташкил этилган Физиология илмий-тадқиқот марказида янги инновацион жарроҳлик усули тақдим этилди. Янги Ўзбекистон ёш физиологлари мактаби аъзолари ушбу усулда қуёнда жарроҳлик амалиётини бажарди.

Давоми 5-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

ИЛҒОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА МАЪРИФАТ ҚЎРҒОНИ

Мамлакатимизда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйилиб, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга бел боғланди. Кейинги йиллар иқтисодиётимиз, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз, турмуш тарзимиз, дунёқараш ва тафаккуримиз, қўйингки, барча соҳада катта юксалиш, ривожланиш, ижобий ўзгаришлар даври бўлмоқда.

Айниқса, таълим тизими, жумладан, олий таълимдаги ислоҳотлар тарихий аҳамиятга эга. Соҳа муассасаларида ўқув жараёнини такомиллаштириш, ёшларга замонавий талаблар асосида сифатли таълим бериш бугунги куннинг асосий масалаларидан бирига айланди. Бу борада илмий фаолиятни яхшилаш ва салоҳиятни оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Урганч давлат университетида ҳам айни йўналишда тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозир университетимизда 96 та бакалавриат таълим йўналиши, 37 та магистратура мутахассислиги ва 3 та қўшма таълим дастури бўйича қарийб 30 минг талаба таҳсил олмоқда. 2023/2024 ўқув йилида 5 797 талаба ўқишга қабул қилинди. Вилоятимизда кадрларга бўлган эҳтиёж ҳисобга олиниб, 27 та янги кундузги, 20 та сиртқи таълим йўналиши ва 4 та янги магистратура мутахассислиги очилди.

Кучли моддий-техник база

Бугунги кунда университетда 7 та ўқув ва 7 та талабалар турар жойи биноси мавжуд. 2023-2024 ўқув йилида замонавий архитектура асосида қурилган, 2000 ўринга мўлжалланган 7 қаватли смарт ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Унда 51 та ўқув-аудитория, физика ва биология йўналишларига мослаштирилган 12 та замонавий ўқув-лаборатория, 100 ўринли 8 та маъруза зали, компьютер хоналари мавжуд. Ўқув биносини қуриш учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 46 миллиард сўм йўналтирилди.

Университет талаба-ёшларининг спорт билан шуғулланишини қўллаб-қувватлаш ва зарур шароитлар яратиш мақсадида кимёвий технологиялар факультети ҳудудида спорт мажмуаси қурилиши якунланиб, ишга туширилди. Ушбу мажмуа мини футбол, баскетбол, волейбол, бадминтон, гандбол ҳамда очиқ турдаги гимнастика майдончаларидан иборат.

Давоми 5-бетда

МУНОСАБАТ

МАМЛАКАТЛАРНИ ХАВФСИЗ КЕЛАЖАК УМИДИ БИРЛАШТИРАДИ

Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Бошланиши 1-бетда

Тупроқ емирилиши жараёни 30 миллион аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатяпти. Кучли чанг ва қум бўронлари эса одатий ҳолга айланди. Ичимлик сув тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохилма-хиллик йўқолиши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги пасайиши каби муаммолар тобора авж олмоқда. Бу экологик ҳодисалар бугунги ҳаётимиз ва келажак тараққиётга жиддий таҳдиддир. Шу боис, унинг олдини олиш, салбий таъсирларини камайтириш, табиат билан уйғун ривожланиш чора-тадбирларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда экология ва иқлим муҳофазаси соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, фуқароларимиз учун қулай атроф-муҳит яратиляпти, аҳоли пунктларининг санитария-экологик ҳолати яхшиланмоқда ва яшил майдонлар кенгайтирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан турли халқаро минбарларда билдирилаётган муҳим ташаббус ва ғоялар нафақат мамлакатимиз, балки дунёда барқарорликка эришишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Шу боис, бу таклиф ва ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан жорий йил 1 декабрь куни Дубай шаҳрида ўтган БМТ Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг (COP-28) асосий ялпи сессияси ишида иштирок этгани ҳамда қатор аниқ таклиф ва амалий

ташаббусларни илгари сургани ҳам дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилди ва қўллаб-қувватланди. Айниқса, Президентимизнинг нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси, балки заминимиз учун бирдек муҳим бўлган долзарб масалаларга эътибор қаратгани диққатга сазовор.

Минтақамизда иқлим ўзгаришига сабаб бўлувчи омиллардан бири Орол денгизи фожиаси оқибатларини юмшатиш, Оролнинг қуриган тубида ўрмонлаштириш ишларини амалга ошириш, Оролбўйи ҳудуди аҳолиси фаровонлигини юксалтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда Оролнинг қуриган тубида қарийб 2 миллион гектар майдонга саксовул, черкес каби шўр ва қурғоқчиликка чидамли ўсимлик уруғлари сепилди ва кўчатлари экилди. Ушбу ҳудудларда чўл ўсимликларидан “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш ишлари олиб борилиши Орол денгизининг суви қуриган тубидан кўтарилаётган қум, туз ва чанг заррачаларининг салбий таъсирини камайтириш, аҳолининг ҳаёти ва фаолиятига таъсирини янада юмшатиш имконини беради.

Саммитда давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюцияси асосида Оролбўйи ҳудудини экологик офат зонасидан “инновациялар, технологиялар ва янги имкониятлар минтақаси”га айлантириш, Иқлим технологиялари халқаро экспо-хабини яратиш таклифи ниҳоятда долзарб, деб ўйлайман. Чунки бу ерда қанча кўп кўчат экилиб, уни кўкартириб сақланиши таъминланса, атроф-муҳит мусаффолиги шунча ошади.

Айтиш жоизки, иқлим ўзгариши, сув ресурслари тақчиллиги, чўлланиш, биологик хилма-хилликнинг қисқариши каби экологик муаммолар кучаяётгани эртанги тараққиётга жиддий раҳна солмоқда. Шу боис, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш ҳар қачонгидан долзарб вазифага айланди.

Мамлакатимизда бундай глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш, барқарор ривожланишга эришишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Саммитда давлатимиз раҳбарининг БМТ билан 2024 йили Ўзбекистонда “Иқлим миграцияси” конференциясини ўтказиш, халқаро меҳнат ташкилоти билан “Яшил бандлик” дастури”ни ишлаб чиқиш ва Моделлаштириш марказини ташкил этиш ҳақидаги таклифи ҳам муҳим чақириқлардан бири, бўлди. Айниқса, COP Ёшлар конференциясини мамлакатимизда юқори даражада ташкил этишга тайёрмиз, деган таклифи нафақат юртимиз, балки хорижий экспертлар томонидан ҳам ғоят илиқлик билар қарши олинди.

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг иқлим ўзгаришига қарши кураш ва унинг оқибатларига мослашиш бўйича минтақани бирлаштириш ташаббуслари Ўзбекистоннинг ушбу соҳада минтақавий етакчиликка интилишини акс эттиради. Энг муҳими, COP-28да иштирок этиш мамлакатимизга нафақат ўз тажрибаси ва ютуқлари билан ўртоқлашиш имкониятини беради, балки халқаро ҳамжамият билан билим ва илғор тажриба алмашиш учун платформа ҳам яратди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжуманда иштироки Ўзбекистоннинг экологик барқарорликни таъминлашга содиқлигини, мамлакатимизнинг иқлим бўйича ҳаракатлар юзасидан глобал мулоқотдаги муҳим ўрнини тасдиқлайди. Ушбу саммит сайёрамизнинг янада барқарор, фаровон ва хавфсиз келажагини таъминлаш йўлида халқларимизни яқинлаштиришга хизмат қилади.

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИ

Иброҳимжон ФОЗИЛЖОНОВ,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Бошланиши 1-бетда

У мамлакатимиз ва халқимиз тарихининг ўзига хос янги даврига пойдевордир. Инсон қадрини юксалтириш, эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш энг олий қадрият сифатида қаралган мазкур ҳужжат лойиҳаси муҳокамаларида юртдошларимиз асослантирилган таклиф ва тавсиялари билан фаол иштирок этди. Бу эса “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг тарихий ҳужжат бўлишига асос яратди.

ОРЗУ-ИСТАКЛАРИМИЗ РЎЁБИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТ

Ушбу дастурий ҳужжатда яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимизнинг ривожланиш тенденциялари қандай бўлиши, бу борадаги устувор

вазифалар белгиланган. Мамлакатимизда кейинги етти йилликда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиб беришга қаратилган бу ҳужжат Ўзбекистон халқини адолатли тараққиёт йўлида жипслаштиради. Стратегия ислоҳотлар самарадорлигини кескин ошириш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этишдек буюк мақсадларга хизмат қилади. Унинг ҳар бир йўналишида инсон қадрини улуғлаш, халқимизни рози қилиш, муносиб турмуш шароити яратиш каби улкан мақсад ва марралар кўзда тутилган.

Масалан, 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш асосий мақсад қилиб олинмоқда. Бунда келгуси етти йилликда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш кўзда тутилган. Шунингдек, инвестициявий жозибадорликни юксалтириш ва қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантириш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини зарур энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш каби чора-тадбирлар белгиланганки, булар халқимизнинг орзу ва умидларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Экспорт ҳажмини 2 баробар ошириш ва 45 миллиард долларга, экспортчи корхоналар сонини 6,5 мингтадан 15 мингтага етказиш, экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баробар кўпайтириш, Европа давлатларига GSP+ ва бошқа тизимлар доирасида тайёр ва технологик маҳсулотлар экспортини кенгайтиришдек муҳим вазифалар тараққиётимизни тезлаштириш мақсадини кўзлайди.

Ҳужжатда қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш борасида ҳам қатор вазифалар белгилаб қўйилган. Унга кўра, келгусида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кўрсаткичининг 25 фоиздан юқори бўлиши таъминланади.

Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган стратегияси Барқарор ривожланиш миллий мақсадлари (БРММ) ва вазифаларига мувофиқ. Бугунги кунда 17 та миллий мақсад ҳамда 126 та вазифадан иборат БРММни комплекс, тармоқ ва минтақавий ривожланиш стратегияси ва дастурларига интеграция қилиш, БРММни амалга ошириш бўйича масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш, тармоқлараро мувофиқлаштириш ҳамда уларга эришиш йўлида комплекс ёндашувни таъминлаш бўйича мунтазам саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида жорий йилда Ўзбекистон БМТнинг Барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи (SDSN) ва халқаро экспертлар томонидан эълон қилинган БРМ (SDG index) рейтингида 8 поғонага кўтарилиб, 71,1 индекс билан 166 та мамлакат орасида 69-ўринни эгаллади. Бу натижа “Ўзбекистон — 2030” стратегияси БРММни амалга оширишнинг ўзига хос “Йўл харитаси” вазифасини ўтамоқда, дейишга асос бўлади.

> **Бугун нафақат халқимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам “Ўзбекистон — 2030” стратегияси янги тараққиёт йўлини таъминловчи энг тўғри стратегия эканини эътироф этмоқда. У том маънода янги Ўзбекистонда сиёсий-ҳуқуқий ҳамда иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича дастуруламал ҳужжатга айланди.**

Бугун нафақат халқимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам “Ўзбекистон — 2030” стратегияси янги тараққиёт йўлини таъминловчи энг тўғри стратегия эканини эътироф этмоқда. У том маънода янги Ўзбекистонда сиёсий-ҳуқуқий ҳамда иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича дастуруламал ҳужжатга айланди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ҚИШ БОШЛАНДИ, ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚМИ?

Тонготар ота елкасига тўнини ташлаб, деразадан пастга қараркан, болаларнинг шодон қувлашиб юрганини кўриб кайфияти кўтарилди. Уларга термилганча, ўйга толди, ўтмишни эслади...

Шаҳарга кўчиб келганига ҳам ўттиз йилга яқинлашиб қолибди. У пайтларда навқирон йигит эди. Билагига кучи сиғмай, тошни уриб талқон қилгудек даврлар... Маҳалладаги кўп қаватли уйлар янги қурилганди. Шаҳарда яшаш орзусида шу уйлардан хонадон харид қилиб, кўчиб келганди. Дастлабки йиллари барчаси бинойидек кечди. Қишда иссиққина, ҳавас қилса арзигулик шароитлар кўзни қувнатарди. Лекин бу кўпга бормади. Орадан йиллар ўтгач, иситиш тизимида муаммолар пайдо бўла бошлади. Қувурларнинг қайсидир жойи ёрилиб кетар, яна бир қисмида иссиқ сув айланмасди.

Соҳа ходимлари ҳам муаммога номига эътибор қаратиб, охири кўриниш ҳам бермай кетадиган бўлди. Аҳоли мурожаатлари, аризалари жавобсиз қолаверди. Бу орада вақт ўтиб, иссиқлик тизими умуман издан чиқди. Қишнинг аёзли кунларида нафақат Тонготар ота хонадонида, балки маҳалладаги барча кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолида безовталик бошланарди. Аввалларидек қишлоқдан келган қариндошлар уларга ҳавас билан қараган бўлса, кейинчалик аҳволларига ачинадиган бўлди.

Ёшлигида кўпам сезилмаган экан, отахон нафақага чиқиб, ёши олтмишдан ошганда озгина совуққа ҳам тоби қочадиган, оёғи оғрийдиган бўлиб қолди.

— Одатда қиш қишлигини қилсин деймиз-у, лекин бу фасл яқинлашгани сари ҳадик билан совуқ кунларга ҳозирлик кўришга шошиламиз, — дейди Қарши шаҳридаги “Шўртан” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Тонготар Абдиев. — Ҳовлида яшасангиз-ку бир йўлини топишга имкон бор. Печкага кўмир ёки ўтин ёқиб, бамайлихотир ўтираверасан. Аммо кўп қаватли уйларда яшайдиганларга чора топиш мушкул. Адашмасам, маҳалламиздаги кўп қаватли уйларда иситиш тизими ишлаганига ўн беш йиллардан ошди. Бизда қиш фасли анча қийин ўтади. Шу пайтгача ҳар ким ўз билганича қўлбола печлар ясаб дейсизми, бошқа бир иложини қилибми, қишдан амаллаб чиқиб оларди. Аммо ҳамманинг ҳам етарли шароит қилишга имконияти йўқ. Бир оз маблағи борлар замонавий иситгичлар ўрнатиб олган. Лекин ён қўшнинг иссиққина хонадонда ўтирса-ю, сен кўрпа ёпиниб, қалтираб тунни ўтказсанг одамга алам қиларкан-да. Айниқса, ўтган қишни айтмайсизми? Бу аномал совуқ деганлари барчани чарчатиб қўйди. Бир амаллаб шундан ўтиб олганимизга шукр қилдик. Биз каби кексалар тугул ёшлар ҳам қийналиб қолди. Бу йилги қишда ҳам совуқда қийналиб қоламизми, деган хавотирда юргандик. Қувонарлиси, бу мавсум биз учун яхши ўтадиган бўлди. Сабаби маҳалламиз ҳудудида янги қозонхона қурилди. Ҳозир хонадонлардаги тизим қувурлари алмаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 22 январдаги “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Қарши шаҳридаги “Шўртан” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли 7-миттитуман ҳудудида жойлашган 38 та кўп қаватли уй учун янги қозонхона қурилиши белгиланганди. Шунга асосан, жорий йилда республика бюджети маблағлари ҳисобидан лойиҳа қиймати 33,5 миллиард сўм бўлган қозонхона қурилиши бошлаб юборилди.

Ушбу мажмуа 12 Гкал қувватга эга бўлиб, Туркиядан келтирилган 14 МВт-ли учта қозон ўрнатилди. Бунинг эвазига йилига 1,7 миллион куб метр табиий газни иқтисод қилиш имконияти яратилди.

Марказ қурилиши жараёнида ҳудудга олти километр қопламали қувур тортилди. Иссиқлик тармоқлари ёпиқ тизимга ўтказилди ва йўқотишлардан ҳимоя қилинди.

Мажмуа 38 та кўп қаватли уйдаги бир ярим мингдан зиёд хонадон ҳамда учта ижтимоий объектни иссиқ сув ва иссиқлик билан таъминлайди.

Жорий йил октябрь ойида давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифи чоғида вилоят “Иссиқлик манбаи” давлат унитар корхонанинг Қарши шаҳрида янгидан бунёд этилган марказий қозонхонани бориб кўрганди. Мутасаддиларга қиш мавсумига тайёргарлик ишларини сифатли бажариб, энергия ва иссиқлик таъминотини барқарор қилиш, энергия тежамкорлик маданиятини ошириш бўйича кўрсатмалар берганди.

Айни пайтда эса хонадонлардаги иситиш тизими қувурлари янгиланмоқда.

— Ҳозир янги қозонхонамиз фойдаланишга топширилиб, кўп қаватли уйлардаги иситиш тизими босқичма-босқич ишга туширилмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти “Иссиқлик манбаи” давлат унитар корхонаси раҳбари Қаҳрамон Жўраев. — Албатта, барча уйларни тўлиқ иситиш бир оз вақт талаб этмоқда. Чунки кўп йиллар давомида бу йўналишда иш қилинмаган, қувурлар ишдан чиққан, баъзи хонадонлардан иситиш тармоқлари олиб ташланган. Шу боис, ҳозир тармоқларни тўлиқ таъмирдан чиқариш ва изоляциялаш ишлари бажарилмоқда.

Демак, жорий йилги қиш мавсумини Қарши шаҳридаги биз юқорида тилга олган 38 та кўп қаватли уйда яшовчи аҳоли иссиқ хонадонларда ҳеч бир муаммосиз ўтказади.

> **Жорий йил октябрь ойида давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифи чоғида вилоят “Иссиқлик манбаи” давлат унитар корхонанинг Қарши шаҳрида янгидан бунёд этилган марказий қозонхонани бориб кўрганди. Мутасаддиларга қиш мавсумига тайёргарлик ишларини сифатли бажариб, энергия ва иссиқлик таъминотини барқарор қилиш, энергия тежамкорлик маданиятини ошириш бўйича кўрсатмалар берганди.**

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ХАЛҚИМИЗ “ТАРЖИМАИ ҲОЛИ”

У МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ҚАДРИЯТЛАР БАРДАВОМЛИГИ БИЛАН ҲАЁТИЙДИР



Миравзал МИРОҚИЛОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Конституцияни, спорт тилида айтганда, ўйин қоидалари, дейиш мумкин. Агар томонлар қоидаларга амал қилса, ҳақиқий рақобат бўлади, ўз устида ишлаган ғалаба қозонади. Томонлардан бири ҳам қоидани белгилаб, ҳам ҳакамлик вазифасини бажарса, бу соғлом мусобақа эмас. Шунинг учун ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий қоида сифатида вужудга келган.

Конституционализм ўзбошимчаликнинг олдини олади, давлат хизматчисими ёки оддий фуқароми барчани қонунга бўйсундиради, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилади, амалдорларнинг халқ олдидаги ҳисобдорлигини таъминлайди. Бундай ҳуқуқий-сиёсий маданият шаклланган жамиятларда барча муҳим қоидалар кенг жамоатчилик розилиги, маъқуллови, халқ олдида ҳисобдорликни инобатга олган ҳолда қабул қилинади.

Конституция — консенсус, ижтимоий шартнома

Конституция инсон, жамият ва давлат ўртасида эришилган ўзига хос келишув (консенсус) ифодаси, барчамизнинг розилигимиз асосида ўз ҳаётимизни ташкил қилиш принциплари ҳақида келишув, давлат, унинг сиёсий институтлари, оддий одамлар ҳаёти ва фаолиятида амал қиладиган устувор қоидалар, деганидир.

Унинг афзаллиги ўлароқ, давлат ҳокимияти манбаи жамиятнинг бирор-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс эмас, балки халқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жаҳон конституцияшунослигида ушбу ҳужжатда назарда тутилган бебаҳо қадриятларни халқ қон билан, айримлар ўз ҳаёти, кўз ёшлари билан ёзган, дейилади.

Конституционализм барча фуқароларни буюк шартноманинг томонлари сифатида кўриб, давлатни республика, яъни жамоанинг, омманинг иши сифатида белгилайди.

Конституция ижтимоий шартнома сифатида жамиятдаги барча қатламлар, гуруҳлар манфаатини ҳисобга олади, улар ўртасида мувозанатни таъминлайди. Шундай ҳужжатгина яшовчан бўлади, чунки яхши жамият ҳақида барчанинг қарашлари, қадриятлари ҳар хил, айрим ҳолларда эса қарама-қарши бўлиб, мазкур қарашлар хилма-хиллиги ҳисобга олинмаса, умумий, барқарор ҳужжат қабул қилиб бўлмайди. Фақат фикр, сўз эркинлиги ҳуқуқини ҳурмат қиладиган, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан оладиган, энг муҳими, консенсусга кела оладиган жамиятдагина тўлақонли Конституцияни яратиш мумкин.

Конституция — миллий ғоя. У миллат олдига мақсад қўяди ва фундаментал принципларни белгилаб беради. Буни биз Асосий қонунимиз муқаддимасида ва унинг 1-моддасида кўришимиз мумкин: Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат.

Айрим конституцияшунос мутахассислар Конституцияни “миллатнинг таржимаи ҳоли” сифатида таърифлайди. Яъни мазкур ҳужжатда миллат, жамият ўзини қандай кўриши, қаерга интилиши, эришилган марралар намоён бўлади.

Бош қонун барчани жипслаштирадиган, фуқаролар ўз орзу-умидлари, ҳуқуқ ва манфаатлари, таъбир жоиз бўлса, дарду муаммолари ечимини кўрадиган ҳужжат ҳамдир. Бу ҳужжат тўғридан-тўғри ишласагина, одамлар ўзининг кундалик ҳаётида, оиласида, маҳалласида унинг таъсир кучини сеза олсагина ҳаётий бўлади. Шунинг учун ҳам янгиланган Конституцияда ушбу муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Конституция миллатнинг ўзига хослигини ва қадриятларини намоён қилади. Бу Асосий қонунимизнинг қатор моддалари, хусусан, Оила, болалар ва ёшларга бағишланган бобда намоён бўлади.

Болага, айниқса, етим болаларга, аёлга, онага, оилага, устозга, бошқа миллатлар ва элатларга, имконияти чекланган шахсларга, ёшларга ҳурмат-эҳтиромга тўла муносабати уфуриб турган нормаларда миллий ўзига хослигимиз яққол кўзга ташланади.

Конституция — ҳуқуқий, ижтимоий ва сиёсий ҳужжат. Ҳуқуқий ҳужжат сифатида ҳокимият органларини қонун устуворлигига, адолатга бўйсундиради, улар фаолиятини Конституция ва қонунлар доирасида чегаралайди.

Ижтимоий ҳужжат сифатида инсонларни, аҳолининг турли ижтимоий қатлам ва гуруҳлари, турли миллат, элатлар манфаати, хоҳишлари, қадриятларини ўзида ифода этиб ҳамда умумлаштириб, жамиятни шакллантиради. Ушбу қоидалар одатда Конституцияларнинг муқаддималари ва бошқа қоидаларида, хусусан, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳуқуқларга оид нормаларда ўз ифодасини топади.

Конституция сиёсий ҳужжат сифатида қарор қабул қилувчи органларни, давлат ҳокимияти органларининг кўппартиявийлик, эркин, ошкора, адолатли сайловлар асосида демократик шаклланиши ва фаолияти асослари ҳамда тартибини, уларнинг халқ олдидаги ҳисобдорлиги ва масъулиятини белгилаб берадиган асосий ҳужжатдир.

Бу — менинг Конституциям

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўз Конституциямизни қабул қилишда дастлаб лойиҳа ишлаб чиқилиб, кейин халқ муҳокамасига қўйилган эди.

Бу сафар янгича йўлдан борилиб, аввал халқимиз фикри, таклифлари ўрганилди, шундан сўнг Конституция лойиҳаси тайёрланди. Бошқача айтганда, **таклифларни халқдан олдик, умумхалқ муҳокамасига чиқардик, халқ вакиллари — депутат ва сенаторлар учдан икки қисм овоз билан референдумга қўйишга овоз берди, охирги сўзни ҳам халқ айтди**, токи барчанинг овози, у ким бўлишидан қатъи назар, эркин, очиқ жараёнда намоён бўлди. Шу тариқа, янгиланган Конституция Ўзбекистон тарихида ягона муаллифи ва манбаи бевосита халқ бўлган, халқнинг ўзи имзо чеккан Асосий қонунга айланди. Боиси, унда болалар, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар, ўқитувчилар, жисмоний имконияти чекланганлар, хориждаги ватандошларимиз, маҳкумлар, судланган шахслар, бир сўз билан айтганда, аҳолининг барча қатлами ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобга олинди.

Эътибор берадиган бўлсак, Асосий қонунимизнинг 65 фоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгиланди. Агар йўналишлар кесимида қарасак, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар борасидаги нормалар қарийб 3 баробар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари 3,5 баробардан кўпроққа, оилага бағишланган эса 2 баробар ортди. Учта янги боб (амалдаги Оила бобига қўшимча болалар ва ёшлар, Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар бобига қўшимча маданий ва экологик ҳуқуқлар, алоҳида адвокатура боби) қўшилди.

Конституциянинг 15 та нормасида давлат шарт-шароитлар яратиши, 16 та нормасида давлат кафолатлаши, 4 та нормада давлат қайғуриши алоҳида кўрсатиб ўтилганининг ўзиёқ давлатнинг мақсади инсон ҳуқуқларини таъминлаш эканини яққол кўрсатиб турибди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда “**инсон**” сўзи аввалгига нисбатан 3 баробар кўп, “**болалар**” сўзи қарийб 3 баробар, “**ёшлар**” сўзи 6 баробар, “**аёллар, хотин-қизлар**” сўзлари 2 баробар кўп, **“ногиронлиги бор шахс”, “аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари”, “интеллектуал мулк”, “инклюзив таълим”** деган сўзлар эса биринчи марта қўлланилди.

Янгиланган Конституциямизда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3,5 баробардан зиёд ошди.

Хусусан, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади экани, Ўзбекистон тарихида биринчи марта халқаро шартномалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмилиги, агар халқаро шартномада қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда Конституцияга мувофиқ эътироф этилиши ва кафолатланиши белгиланди. Бундан ташқари, ҳар ким қонунчиликка ва халқаро шартномаларга мувофиқ, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақлилиги, давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратишига оид нормалар мустаҳкамланди.

Инсоннинг энг асосий ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни илғор демократик давлатлардаги каби фақат суд йўли билангина чеклаш мумкинлиги тўғрисидаги нормалар кучайтирилди, хусусан, телефон эшитувлари, тинтув каби ҳаракатлар суднинг қарорига асосан, амалга оширилиши белгиланди.

Асосий қонунимиз барқарорлиги ва бажарилиши жамият аъзолари кучли ижтимоий руҳига, ижтимоий, иқтисодий ва маданий институтлар ривожланганига, фуқароларнинг ўз позициясини билдиришга ҳам маънан, ҳам амалий тайёрлигига боғлиқ масаладир. Шунинг учун ҳам конституциявий тартиб ҳуқуқий онг ва маданиятга, урф-одат, анъана ва қадриятларга, партиялар, парламент, ижро ҳокимияти ва суд идораларининг Конституция қоидаларини сўзсиз бажаришига боғлиқдир.

Конституция матнини яратиш ишнинг бир қисми холос, унинг ижросини таъминлаш эса конституциявий таълимни, тегишли институтлар, тартиб-таомиллар, қоидаларни ўрнатишни тақозо этадиган ва бир муддат давом этадиган жараёндир. Бу, биринчи навбатда, давлат хизматчиларининг онги, дунёқарашини ўзгартиришни тақозо қилади.

Шу мақсадда Президентимизнинг жорий йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Унда янги таҳрирдаги Конституциядан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури, давлат комиссияси, экспертлик кенгашлари тасдиқланди, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни ривожлантириш концепциялари ишлаб чиқилиши, янгиланган Конституцияга мувофиқлик юзасидан илмий экспертизадан ўтказиш, мониторинг қилиш, Конституция асосида янги ўқув дастурлари, дарсликлар ва бошқа қўлланмаларни тайёрлаш бўйича илмий-методик чора-тадбирларни мувофиқлаштириш, давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларини ўқитиш каби вазифалар белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция ижроси жамият аъзоларининг эркин ва демократик жамият қадриятларига қанчалик фундаментал содиқлигига боғлиқ. Агар конституциявий қоидалар демократик қадриятларни мужассам этса-ю, бу қадриятлар одамлар орасида эъзоз топмаса, хулқ-атвори, амали унда баён этилган мақсадларга тўғри келмаса, энг аъло, мукаммал қоидалар ҳам бажарилмай қолиши табиий, албатта.

Конституция ўз-ўзидан бахт келтирмайди, ундаги қоидалар ўз-ўзидан ишлаб кетмайди, бу ҳуқуқ беради, унга риоя қилсангизгина, янги Ўзбекистон пойдеворига бир ғишт қўясиз.

Шу маънода айтиш жоизки, янги таҳрирдаги Конституция, бу — бизнинг хоҳиш-истакларимиз ифодаси, ундаги эзгу ғояларни амалга ошириш эса ўзимизга боғлиқ. Барча ҳаракатларимизда фақат ва фақат ўз кучимизга, имкониятларимизга таянишимиз зарур бўлади.

БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ БАЙРАМИ ХОРИЖДА ҲАМ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Жорий йил мамлакатимизнинг конституциявий ривожланишида ғоят муҳим давр бўлди — умумхалқ референдуми асосида янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилинди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни муносабати билан ташкил этилаётган байрам тадбирлари дунё бўйлаб Ўзбекистон фуқароларини бирлаштиришга хизмат қилмоқда ва уларга байрамона хуш кайфият улашяпти.

Венгриянинг энг қадимий олий таълим муассасаларидан бири — Этвёш Лоран университетида Ўзбекистон Конституцияси мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Ватандошлар иштирокида бўлиб ўтган тадбирда янги таҳрирдаги Конституциямизга киритилган ўзгаришлар моҳияти, шунингдек, Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг аҳамияти ҳақида фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, барқарор ривожланиш мақсадлари, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши Европа давлатлари, жумладан, Венгрия томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон ёшлари Европанинг энг нуфузли университетларида таълим олиши учун яратилаётган имкониятларга алоҳида эътибор қаратилди.

Иштирокчиларига кўра, ушбу омилларнинг барчаси ўзбекистонлик талабаларнинг истиқболига, жумладан, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўша оладиган мутахассисларни тайёрлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг Польшадаги элчихонаси томонидан **Вистула университетида** Бош қонунимиз байрамига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда Польша олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ва ушбу мамлакатда вақтинча меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган юртдошларимиз иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан дипломатлар Конституция ҳар бир давлатнинг суверенитети, унинг давлатчилиги ривожи, фуқароларнинг турмуш тарзи, жамиятдаги ўрнини белгилаб бериши ҳамда мустақил, эркин, тинч ва фаровон ҳаётимизнинг кафолати бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Йиғилганларга янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон илк бор ижтимоий, дунёвий, ҳуқуқий давлат мақомини олгани, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият экани белгилаб қўйилгани ҳақида маълумот берилди.

Давра суҳбати якунида Польшада ўзбек талабалари ассоциациясини ташкил этиш ҳамда турли маданий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Малайзиянинг Осиё ва Тинч океани технология ва инновациялар университетида ҳам ушбу сана муносабати билан давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда университет вакиллари ва бу ерда таҳсил олаётган ватандош талабалар қатнашди.

Сўзга чиққанлар, янгиланган Ўзбекистон Конституцияси “инсон — жамият — давлат” тамойилига асосланган ҳолда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари конституциявий даражада мустаҳкамланганини таъкидлади. Жумладан, Бош қонунимизда ёшлар масаласи алоҳида боб даражасига олиб чиқилгани қайд этилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари эътиборига ёшларга оид давлат сиёсатининг аҳамияти ҳамда мамлакатимиз ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самарали натижалари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилди.

Тадбир давомида янги Ўзбекистонни барпо этишда ёшларнинг роли, ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда ўзбек тилининг халқаро обрўсини ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимизнинг **Токио шаҳридаги элчихонасида** ҳам фаол ватандошлар иштирокида маърифий тадбир уюштирилди.

Элчи Муҳсинҳўжа Абдураҳмонов анжуманнинг очилиш қисмидаги нутқида Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, юртимиздаги бағрикенглик ва тинчликни асраб-авайлаш, ёшларни, шу жумладан, хориждаги ватандошларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўрсатилаётган эътибор ва кўмак ҳамда яратилаётган шароитлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Ўзбекистон Конституциясига киритилган янги нормаларнинг мазмун-моҳияти алоҳида таъкидланди. Қайд этилганидек, Асосий қонунимизга киритилган ўзгартишларнинг туб моҳияти давлат сиёсий ҳаётида парламентнинг роли ва мавқеини ошириш, шахсий мулк дахлсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини оширишга қаратилган.

Мамлакатимизнинг **Душанбе шаҳридаги элчихонасида** эса “Янги Ўзбекистон Конституцияси — инсон шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолати” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда Тожикистонда вақтинча яшаётган, таълим олаётган ва ишлаётган ватандошлар қатнашди.

Анжуманда сўзга чиққан ватандошлар бу сана улар ҳаётида муҳим ўрин тутишини билдирди. Шунингдек, улар Бош қонунимизнинг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни, унга киритилган янги қўшимча ва ўзгартишлар халқимиз турмуш тарзи ва фаровонлигига, инсон қадри янада юксалишига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг Жидда шаҳридаги (Саудия Арабистони) Бош консуллиги ташаббуси билан ватандошлар иштирокида янги таҳрирдаги Конституциямиз мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

Учрашув давомида шу йил 30 апрель куни ўтказилган референдум орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямизда халқимизнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топгани қайд этилди. Шунингдек, иштирокчилар эътибори мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ўзгаришларга қаратилди.

Ватандошлар Асосий қонунимиз кўплаб демократик давлатларнинг конституциявий қурилиш соҳасидаги илғор тажрибанинг энг яхши жиҳатларини, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг эътироф этилган нормалари ҳамда мазкур соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмини ўзида мужассам этганини қайд этди.

“Дунё” АА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

КАМБАҒАЛЛИК 3,5 ФОИЗ қисқарди

Хитой тажрибаси юртимиз шароитида қанчалик самара бермоқда?

Зиёдбек ЙЎЛДОШЕВ, Тошкент вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Биргина Тошкент вилояти мисолида оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўн ойи давомида 481 мингдан ортиқ аҳоли бандлиги таъминланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 87 минг 278 нафарга кўп. Жумладан, доимий иш жойларига 153 мингдан ортиқ, мавсумий ва вақтинчалик ишларда 262 мингдан зиёд ҳамда легаллаштириш ва бўш иш ўринлари ҳисобига 65 минг аҳоли бандлиги таъминланган. Бунинг ортидан вилоятда камбағаллик даражаси 14,6 фоиздан 11,1 фоизга туширилиб, 17 мингга яқин оила камбағалликдан чиқарилди.

Усуллар ҳам, тажриба ҳам ўхшаш

Камбағаллик глобал муаммо бўлиб, унга қарши кураш БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Охирги йилларда биз камбағаллик даражаси ҳақида кўп гапиряпмиз, аммо уни белгиловчи аниқ механизмлар тўғрисида ҳар доим ҳам тўлиқ тасаввурга эга эмасмиз. Гап шундаки, камбағаллик тушунчасига ягона таъриф мавжуд эмас. Уни аниқлашда ҳам асосан, аҳолининг даромад даражасига эътибор қаратилади. Бироқ хориж тажрибаси ва олиб борилган тадқиқотларимиз камбағаллик даражасини фақат даромад билан боғлаш ва нафақа ажратилишида "тайинланиш" ҳамда "рад этилиш" хатоликларига йўл қўйилиши мумкинлигини кўрсатди.

Яъни юртимизда камбағалликка қарши курашиш баробарида, бу борадаги хориж тажрибаси ҳам фаол ўрганиляпти. Маҳаллий шароитимизга энг яқин, мос келадиган давлатлар тажрибаси танланиб, амалиётга қўллаш ишлари ҳам бошланган. Ана шундай давлатлардан бири Хитой Халқ Республикаси. Ушбу мамлакатнинг камбағалликни қисқартириш бўйича самарали тажрибаси юртимизда асосий намуна сифатида танлаб олинган. Давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан ҳар бир вилоятда Хитой тажрибаси асосида аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича алоҳида дастур амалга оширилиши белгиланган. Бунда камбағаллик юқори бўлган туманларда йўл-транспорт, электр, алоқа ва туризм инфратузилмасини яхшилаш, кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш, маҳаллаларни саноатлаштиришга эътибор қаратилади.

Биз эътироф этаётган Хитой тажрибаси қандай афзалликларга эга? Қарийб бир ярим миллиард аҳолиси бўлган ушбу мамлакат ўз фуқароларининг фаровон турмушини таъминлаш, камбағаллик кўрсаткичлари ортмаслиги учун қандай чоралар қўллайди?

Ана шу тажрибани ўрганиш мақсадида Тошкент вилояти делегацияси жорий йил ноябрь ойида Хитойнинг Гуанчжоу, Нанькан, Янцзи, Цзинганшань ва Наньчан шаҳарларида бўлди. Ҳудудлардаги йирик корхоналар, саноат зоналари, тадбиркорлик марказлари, қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар, бандликка кўмаклашиш марказлари фаолияти билан танишиб, мавжуд тажрибани ўрганиб қайтди. Бу тажрибанинг кўпи юртимизда қўлланиляпти, эндиликда, уларни янада аниқ механизмга солиш лозим. Хусусан, Тошкент вилоятида ҳам уларни фаол қўллаш кутилган натижани беради.

Масалан, Хитойда тадбиркорлик қилиш истагини билдирган фуқароларга давлат томонидан банк кредити ва бошқа кўмаклар беришда уларнинг тадбиркорлик салоҳияти ва амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳаси истиқболига эътибор қаратилади. Буни ўрганиш учун алоҳида мутахассислар ишлайди, моддий ресурслар кўр-кўрона берилмайди. Юртимизда ҳам тадбиркорлик қилиш истагидаги фуқароларга давлат дастурлари асосида қатор имтиёзли кредитлар ажратилади. Эндиликда, уларни талабгорнинг қобилияти, салоҳиятидан келиб чиқиб ажратиш орқали имтиёзли кредитларнинг мақсадсиз сарфланиши ҳамда муаммоли кредитлар ортишининг олдини олиш мумкин. Аниқ лойиҳа таклифига эга тадбиркорлар қўллаб-қувватланиши натижасида ишсиз фуқаролар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли бандлиги таъминланишига ҳам эришилади.

Ҳозир мамлакатимизда тадбиркорлар учун барча эшиклар очиқ. Қўллаб-қувватлашнинг қатор усуллари кенг қўлланиляпти. Имтиёзли кредит, субсидиялар ажратиш, фаолият эркинлигини қонуний таъминлаш кабилар шулар жумласидан. Тошкент вилоятида ҳам ташаббуслар кўлами кенг. Хусусан, жорий йилнинг шу даврига қадар аҳолини тадбиркорликка жалб этиш орқали бандлигини таъминлаш учун 2 150 нафардан ортиқ фуқарога 10 миллиард 284 миллион сўм субсидия маблағи ажратилган. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида шу йил январь-октябрь ойларида қарийб 28 минг фуқарога 688,5 миллиард сўм, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 152,7 миллиард сўм кўп кредит маблағи ажратилди.

Хитойда ўз фаолиятини бошлаш истагида бўлган ишбилармонларни давлат томонидан ўқитиш тизими ҳам йўлга қўйилган. Бунда ўқитишнинг асосий йўналишлари сифатида экология ва атроф-муҳитга зарар етказмаслик, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга харидор топиш, фаолият юритаётган соҳани мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб янада ривожлантириш масалалари белгиланган.

Жумладан, тадбиркор ўз фаолияти давомида ҳудуддаги экологик тизимга зарар етказмаслик, атроф-муҳитни ифлослантирмаслик бўйича махсус ўқув курсларида тегишли кўникмаларга ўқитилади. Яъни ишбилармон фақат ўз манфаати эмас, балки жамият манфаатларига ҳам эътибор қаратиши талаб этилади. Экологик муаммолар эса ҳозирги кунда сайёрамизни ташвишга солаётган энг долзарб масалалардан бири ва уни асраш ҳар биримизнинг бурчимиз, аслида.

Ўқув курслари давомида хитойлик аҳоли бевосита соҳага оид билим ҳам олади. Хусусан, уларга ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун харидор топиш, бозор иқтисодиётида рақобатни енгиб ўтишда давлат томонидан амалий ёрдам кўрсатилади, ўз навбатида, тадбиркор мавжуд иш ўринларига камбағал, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишсиз фуқароларни қабул қилади. Яъни сиздан угина, биздан бугина тамойили асосида иш юритилиб, бундан учала томон ҳам бирдек манфаат кўради.

Мамлакатимиз шароитида бу тажрибани кенг қўллаш имконияти мавжуд. Ҳудудларимизда тадбиркорликка ўқитиш курслари бепул йўлга қўйилиб, аҳоли орасида оммалаштирилаётгани боиси ҳам шунда. Билим, йўл-йўриқ, давлатдан имтиёзли ёрдам олиб бизнесини йўлга қўйган битта тадбиркор ўз ҳудудидаги ўнлаб одамларни иш билан таъминлаётгани бунинг амалий исботидир. Қолаверса, кичик ва ўрта бизнеснинг қўллаб-қувватланиши натижасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар сони ортмоқда.

Одамларга балиқ эмас, қармоқ берилади

Хитойда "дангаса ҳеч қачон бой бўлмайди", деган олтин қоида бор. Шу боис, мамлакатда аҳолини камбағалликдан чиқариш учун барча ташкилотлар масъул ҳисобланса-да, боқимандаликка йўл қўйилмайди. Одамларга моддий ёрдам ажратишдан кўра, бандлигини таъминлаш, бўш иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Тўғри, камбағаллик айб эмас, аммо уни юзага келтирган омилларга қарши курашмаслик катта хато. Ана шу омилларнинг бири, афсуски, дангасалик, боқимандалик билан боғлиқ. Ваҳоланки, ҳар қайси меҳнат ҳам машаққатли ва албатта, ҳалол, тер тўкиб топилган нон уйга барака бўлиб киради. Муҳими, инсон ишсиз, даромадсиз қолмасин, тўрт мучаси соғ бўла туриб, бошқаларга боқиманда бўлмасин. Бинобарин, бугун мамлакатимизда халқ фаровонлиги, аҳоли бандлиги, фуқароларнинг муносиб яшаш шароитига эга бўлишини таъминлаш асосий вазифалардан бирига айланган. Бунинг учун яқин йилларда яратилган ва жаҳонда муқобили бўлмаган "Маҳаллабай ишлаш" тизими энг муҳим нуқтага айланиб улгурди. Аҳолининг яшаш шароити ва мавжуд муаммолари шу тизимнинг ўзида ўрганилиб, зарур ечимлар бериляпти. Жумладан, вилоятимизда жорий йил ҳоким ёрдамчилари кўмагида 660,5 миллиард сўмлик 2 527 та лойиҳани амалга ошириш орқали 10 минг 356 иш ўрни ташкил этилгани бунинг мисоли.

Камбағал, ишсиз фуқароларга субсидия ёки моддий ёрдам ажратиш ўрнига, уларни ўз қизиқишига кўра, касб-хунар ёки тадбиркорликка ўқитиш, ишга жойлаштириш асосий мақсадга айланган. Биргина аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш учун ҳар йили давлат томонидан 200 миллиард сўм ажратиляпти. Умуман, ишсиз, муҳтож аҳолининг доимий даромад манбаига эга бўлиши учун барча йўналишларда аниқ механизмлар ишламоқда.

Маҳаллалардаги камбағал оилаларнинг аниқ рўйхатини шакллантириб, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш борасида ҳам юртимизда ўзига хос тажриба яратилди. Бу рўйхат шунчаки тузилмайди. Унга кирган ҳар бир камбағал оила давлатнинг доимий эътиборида бўлиб, оила аъзоларининг ҳар бирига ўқиш ва иш билан таъминлашдан тортиб, барча зарур йўналишда алоҳида манзилли ёрдам кўрсатилади, камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилади. Бугунги кунда айни шу йўналишда маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан "Online-mahalla" платформасида аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал дастурлар ҳам тузилмоқда. Эндиликда ушбу дастурларнинг тез, аниқ ва сифатли ишлаб чиқилиши, манзилли йўналтирилишини жадаллаштириш лозим.

Хитой тажрибасида туризмни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш ҳам йўлга қўйилиб, кенг оммалаштирилганига гувоҳ бўлдик. Чунки туризм айни даврга келиб, энг сердаромад соҳалардан бири бўлиши баробарида, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қиладиган катта тизимга айланган. Ҳудудларда сайёҳлик мажмуаларини ташкил этиш оммалашиб боряпти. Одамлар дам олиш учун маблағини аямайдиган бугунги даврда сайёҳларга хизмат кўрсатиш даражаси бошқа соҳалар билан тенг ўсиб бормоқда.

Бу оддий аҳоли учун ҳам даромад топишнинг қўшимча манбаидир. Хитойда ҳам гўзал манзарали, ўзига хос иқлимга эга чекка жойлар, сайёҳлар кўп борадиган манзилларда истиқомат қиладиган аҳоли туризмдан яхшигина фойда топади. Айримлари ўз хонадонини ижарага берса, бошқалари сайёҳларни меҳмон сифатида қабул қилиб, хизмат кўрсатишни йўлга қўйган. Ана шундай тажрибалар асосида бир неча йил олдин юртимизда ҳам меҳмон уйлари ташкил этиш бошланган эди. Бу борада қонуний асослар ҳам яратилди. Қарабсизки, ҳозир ҳудудларимизда иш бошлаган меҳмон уйларидан оддий одамлар даромад топиб, бошқалар бандлигини ҳам таъминлаяпти.

Бу тажрибани Тошкент вилояти ҳудудларида янада кенг оммалаштириш имконияти бор. Айниқса, сайёҳлар оқими ортиб бораётган гўзал манзарали Ангрен шаҳри, Оҳангарон, Паркент ва Бўстонлиқ туманларининг чекка қишлоқларида туризмни ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширияпти. Тадбиркорларга ҳам кенг имкониятлар берилмоқда. Мақсад эса кўпроқ дам олиш масканлари, сайёҳлик мажмуаларини ишга тушириш ортидан бўш иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, иқтисодий ривожланишни оширишдан иборат. Бу борада ҳудудларни драйвер соҳалар асосида ихтисослаштириш тизими ҳам қўшимча имкониятлар яратмоқда. Масалан, Бўстонлиқ тумани туризмга ихтисослашган. Шу боис, ҳудудни ривожлантиришда кўпроқ ушбу йўналишга эътибор қаратиляпти. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда ортиқча юкламалар камайтирилиб, асосан, хизматлар соҳаси ривожлантирилмоқда.

Умуман, юртимизда камбағалликни қисқартириш борасида Хитой тажрибаси асос қилиб олингани ўз самарасини беряпти. Ўтган қисқа даврда амалга оширилган ишлар ва эришилаётган натижалар бунинг яққол исботи. Натижалар қоғоздаги рақамлардагина эмас, халқнинг турмуш даражаси ортиб, одамлар ишли бўлаётгани, камбағал оилалар сони қисқарганида ҳам яққол кўринаётгани янада қувонарли.

БАНДЛИК

ФАРОВОН ЯШАШ ФОРМУЛАСИ

Эркинжон НУРАЛИЕВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси

Бошланиши 1-бетда

Бу бежиз эмас. Жорий йилнинг 28 июль куни Президентимиз Фарғона вилоятида ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ишлар ҳақида тўхталиб, Фарғона вилоятини хотин-қизлар ўртасида ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш ташаббусини илгари сурган эди. Бу ташаббус фарғоналик минглаб хотин-қизлар ҳаёт тарзини ўзгартирди, фаровонлигини таъминлади.

Хотин-қизлар ўртасида ишсизликни бартараф этиш, қизиқиш ва имкониятларини инобатга олган ҳолда бандлигини таъминлаш, муаммоларини ҳал қилиш мақсадида мутасадди бошқарма ва ташкилот раҳбарларидан иборат

ишчи гуруҳлар тузилиб, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар хатловдан ўтказилди. Бу жараёнда 781 минг 772 хонадондаги 1 миллион 85 минг 565 оила қамраб олинди, 892 минг хотин-қиз билан анкета-сўровномалар тўлдирилди. Таҳлил доирасида 308 минг 973 нафари доимий, 289 минг 878 нафари мавсумий, 132 минг 163 нафари вақтинча ҳамда 81 минг 297 нафари ўзини ўзи банд қилгани маълум бўлди. Хатлов давомида 26 минг 703 нафар ишлаш истаги бор хотин-қиз аниқланди.

Шу мақсадда хотин-қизларнинг ўзини ўзи банд қилишнинг самарали йўлларини ривожлантириш бўйича зарур чоралар ишлаб чиқилди, касб-ҳунар ўрганишга иштиёқи бор хотин-қизлар мономарказларда ўзлари танлаган касбга ўқитилмоқда. Ишлаш истагини билдирган аёллар кооперацияларга бириктириляпти. Шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда фаол тадбиркорлар ва ишсиз хотин-қизлар мулоқоти ташкил этилиб, корхоналарда яратилган шароитлар опа-сингилларимизга таништириб бориляпти.

Олтиариқ туманидаги "Hamza expo art tekstil" МЧЖ пахта-тўқимачилик кластерида 150 нафарга яқин ишсиз хотин-қизга корхона ишлаб чиқариш салоҳияти ва ишчи-ходимларга яратилган шароитлар таништирилди. Шу куннинг ўзида 44 хотин-қиз билан меҳнат шартномаси имзоланди.

Тошлоқ туманидаги "SMSHD TEX" МЧЖда бўлиб ўтган амалий мулоқотда 50 нафарга яқин ишсиз хотин-қиз муқим иш ўринлари билан таъминланди.

— Шу кунга қадар ишсиз эдим. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси вилоят кенгаши томонидан ишлаб чиқариш корхонасида ташкил этилган амалий мулоқотда ўзимга мос иш топдим, — дейди Дилбархон Валиева. — Маошлари ҳам менга маъқул келди, меҳнат стажига эга бўляпман. Йўлкира ва тушлик ҳам ишхона ҳисобидан.

"Қўқон" эркин иқтисодий зонаси дирекциясида ўтказилган мулоқотда мавжуд бўш иш ўринлари бўйича маълумотлар берилди. Иш излаётган оила бекалари Учкўприк тумани "Бобошбек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Бобошбек" ишлаб чиқариш ва савдо комплексида ишчи-хизматчиларга яратилган шароитлар билан танишди. 53 нафар ишсиз хотин-қиз ўзларига муносиб иш ўринларини танлаб олди.

Қува туманидаги "Altindag textile" корхонаси 45 нафардан зиёд хотин-қиз билан меҳнат шартномаси имзолади.

— Ўзимга мос иш топганимдан хурсандман. Корхонадаги мавжуд шароит ва маош менга маъқул бўлди, — дейди Гулсанам Холиқова. — Бу имкониятлар ҳақида қўни-қўшниларимга ҳам айтдим. Улар ҳам ишлаш тараддудида турибди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уй юмушлари, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда даромад топишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган аёллар кооперацияларининг ўрни кундан-кунга ортиб бормоқда. Касаба уюшмалари томонидан ажратилган маблағ эвазига ишлаб чиқариш хажмини янада кенгайтирган Риштон туманидаги "MM Porcelain" МЧЖ корхонасида бугун 700 нафардан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Берилаётган имконият ва имтиёзлардан фойдаланиб, тадбиркорлигини йўлга қўйган бағдодлик Гулнора Усмонова энг кўп иш берувчи аёл сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг молиявий кўмагида "Гулнора Матқулобод бодомлари" аёллар кооперациясига асос солинган эди. Айни кунда кооперацияда 500 нафардан ортиқ хотин-қиз бандлиги таъминланган.

Сирасини айтганда, Фарғона вилоятида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, вилоятни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш йўлида амалга оширилаётган ташаббуслар аҳоли манфаати ва турмуш шароитини оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса оилаларда аҳиллик, қут-барака манбаи, бир сўз билан айтганда, фаровон яшаш формуласи сифатида намоён бўлмоқда.

БУГУННИНГ ГАПИ

ИЛҒОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА *маърифат кўргони*

Баҳром АБДУЛЛАЕВ, физика-математика фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Талаба-ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлган бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Хусусан, университет ҳудудида янги Ахборот-ресурс маркази қурилмоқда. У икки блокдан, жумладан, 5 қаватдан иборат 500 ўринли кутубхона биноси ҳамда 506 ўринга мўлжалланган фаоллар залидан ташкил топган. Кутубхонанинг ҳар бир қаватида 66 ўринга мўлжалланган ўқув заллари, адабиётларни сақлаш, қабул қилиш ва қайд қилиш хоналари, кутубхоналараро абонент ва маълумот-библиография бўлими, ногиронлиги бўлган шахслар учун онлайн синфлар, интернет тизимли компьютер хоналари, “book-cafe” ва яна бошқа зарур хоналар бўлиши режалаштирилган. Шунингдек, университет музейи ҳам мазкур бинода жойлашиши кўзда тутилмоқда.

Айни пайтда Урганч тумани ҳудудида университетнинг янги талабалар турар жойи қурилмоқда. У 7 қаватдан иборат бўлиб, 600 ўринга мўлжалланган. Бинода маънавият, компьютер ва спорт анжомлари хоналари, кутубхона, ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида хоналар бўлади.

Янги ўқув йилидан талабалар учун яна қатор қулайликлар яратилди. Университет биноси олдида автобекат ташкил қилиниб, автобуслар йўналишлари ёшларга қулай қилиб мувофиқлаштирилди. Эндиликда улар ўз яшаш жойидан университетгача битта транспортда келиб-кетиш имконига эга бўлди.

Олийгоҳда ўқув-лаборатория ускуналари ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳам кенг жорий қилинган. Бугунги кунда муассасада 61 та ўқув лаборатория бўлиб, барчаси тегишли кафедралар ҳузурида очилган. Ўқув жараёни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан талаб даражасида таъминланган. 30 та компьютер ва 12 та лингафон синфидан таълим жараёнида фаол фойдаланилмоқда. Интернетдан фойдаланиш ва ягона тармоқни шакллантириш мақсадида локал тармоқ қамрови 100 фоиз таъминланди.

Энг самарали йўл — муқобил энергиядан фойдаланиш

Юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланганлик учун қатор имтиёзлар жорий қилинмоқда. Боиси, қуёш панеллари хавфсиз, тежамкор, атроф-муҳит учун безарар, ҳар томонлама қулай бўлган энергия манбаидир. Бундай ускуна ёрдамида уйда ҳам, иш жойида ҳам анча-мунча энергияни тежаш мумкин.

Иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш борасида белгилаб берилган аниқ вазифалар ижроси университетимизда ҳам тизимли равишда йўлга қўйилди. Жорий йилнинг ўзида муассасамизда қуввати 2200 киловатт-соатлик қуёш панеллари ўрнатилди.

Олийгоҳимиз 2022 йилда 2404 киловатт энергия ишлатган. Энди буни қуёш панеллари ёрдамида ортиғи билан олишга эришилди. 60 та ёритгичга ўрнатилган минипанеллар ҳам электр энергиясини тежайди. 200 литрли 30 дона сув иситиш қурилмасидан фойдаланиш орқали эса йилига 6 минг киловатт-соат электр энергияси тежаладиган бўлди. Шунингдек, иситиш қозонларини кўмир ёқилғисида ишлашга мослаш бўйича ҳам ишлар олиб борилди. 15 та кўмир қозони ўрнатилиб, 225 тонна кўмир захираси шакллантирилди. Буларнинг барчаси бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Халқаро ҳамкорлик

Халқаро алоқаларимиз тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозир 35 та давлат билан 145 дан ортиқ ҳамкорлик меморандуми мавжуд. Ўтган ўқув йили давомида 400 дан зиёд профессор-ўқитувчи хорижий олий таълим муассасаларида малака оширган бўлса, ушбу ўқув йилида ҳам бу жараён изчил давом этмоқда. Чет эллнинг нуфузли олийгоҳларидан малакали профессор-ўқитувчилар ўқув жараёнига жалб этилмоқда.

Жумладан, иқтисодиёт йўналиши бўйича АҚШнинг Блумсбург университетидан профессор Раззагҳи Меҳди ижтимоий-иқтисодий фанлар факультетида, замонавий таълим технологиялари бўйича Туркиянинг Эгей давлат университети профессори Нилай Дереобали педагогика факультетида дарс ўтди. Ҳозир инглиз тилини 4 аспектда чуқур ўргатиш бўйича “English Language Fellow” дастури доирасида 10 ой муддатга Рачел Баирд — Алаҳмад хорижий филология факультетида дарс бермоқда. Жорий йил сентябрь ойида Туркиядаги Бошкент университети Алишер Навоий маркази мудири, профессор Абдураҳмон Гўзал ўзбек филологияси факультети талабаларига маҳорат дарсларини ўтди.

Малайзия халқаро ислом университети ва олийгоҳимиз ўртасида Ўзбекистоннинг маданий меросини ўрганиш, бетакрор архитектура намуналарини тадқиқ этиш, туризм тармоғини кенгайтириш ва тарғиб қилиш йўналишидаги келишувларга биноан, 2023 йил 22 сентябрь — 1 октябрь кунлари мазкур олийгоҳнинг архитектура факультети профессор-ўқитувчи ва талабаларидан иборат 33 кишилик делегация муассасамизда бўлди. Улар икки ҳафталик илмий тадқиқот дастури давомида университетимизнинг архитектура кафедраси билан ҳамкорликда Хива шаҳрининг маданий мерос объектлари мисолида Ичанқалъа мажмуаси билан яқиндан танишиб, илмий тадқиқот олиб борди. Энди замонавий сканер технологиялари ёрдамида Жума масжидининг 3Д модели яратилиб, илмий ишлар натижаси 1 жилдли

ўқув қўлланма шаклида инглиз ва ўзбек тилларида чоп қилиниши режалаштирилган. Бу нафақат илмий ҳамкорликка, балки вилоятимиз туризм салоҳиятини оширишга ҳам муносиб ҳисса бўлади.

26-27 сентябрь кунлари эса Франциянинг Пуате университети делегацияси меҳмонимиз бўлди. Икки олийгоҳ ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан учрашиш, маъруза ва семинарларда иштирок этиш, ўқув ва илмий жараён билан танишиш мақсадида ташкил этилган тақдимот доирасида истиқболли ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Жанубий Кореянинг Сун Шунг Ҳянг университети делегацияси аъзолари билан ўтказилган учрашувда ҳамкорлик келишувларига эришиш истаги билдирилди.

Олийгоҳда корейс тилининг чет тил сифатида ўқитилиши 2006 йилдан бошланган. Йилдан-йилга талабаларнинг корейс тили ва маданиятига қизиқиши ошиб бормоқда. Шу сабабли 2023-2024 ўқув йилида филология ва тилларни ўқитиш (корейс тили) таълим йўналиши очилди. Ҳозир 25 талаба мазкур йўналишда таълим олмоқда.

Университетда ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари билан мунтазам халқаро анжуманлар ташкил қилинмоқда. Педагог кадрлар ва илмий ходимлар малакасини ошириш, тажриба алмашиш мақсадида жорий йил иккинчи ярим йилликда 64 профессор-ўқитувчи АҚШ, Беларус, Чехия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Польша, Туркия, Португалия, Россия ва Словениянинг олий таълим муассасалари ва илмий марказларига юборилди. Талабалар алмашинув дастурлари доирасида 84 талабамиз Европанинг қатор нуфузли олий таълим муассасалари ўқув ва амалиёт курсларида иштирок этди.

Шунингдек, Жанубий Корея, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Тожикистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва Хитой олий таълим муассасаларидан 107 талаба ўқув-амалиёт курслари, халқаро конференцияларда иштирок этиш ва илмий тадқиқот қилиш мақсадида университетимизга келди. “Эл-юрт умиди” жамғармасининг докторантура дастурлари доирасида ТОП–300 таликка кирган чет эл олийгоҳларида 11 нафар ёш олимимиз таҳсил олмоқда.

2024/2025 ўқув йили учун Беларус миллий техника университети билан иқтисодиёт магистратура мутахассислиги бўйича 1+1 ва Туркиянинг Эгей университети билан филология тилларни ўқитиш: немис тили бакалавриат йўналишида 2+2 формат бўйича ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш режалаштирилган.

Илмий фаолият самарадорлиги

Университетимизда ёш авлоднинг баркамол вояга етиши, сифатли ва мукаммал таълим олиши ҳамда рақобатбардош кадрлар бўлиб етишишини таъминлаш билан бирга, илм-фанни ривожлантиришни ҳам устувор вазифа қилиб белгилаганмиз. Энг аввало, жаҳон стандартларига мос ускуналар билан жиҳозланган замонавий лабораториялар ташкил этишни босқичма-босқич амалга оширдик. Уларни зарур реактивлар, материаллар ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлашга эришдик. Илмий лабораториялар моддий-техник базаси харажатларига ажратиладиган маблағ салмоғини оширдик, ёш олимларни етакчи хорижий илмий марказларда қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбордик.

Пировардида, университетимиз олимлари буюк аждодларимизнинг илмий анъаналарини муносиб давом эттирган ҳолда жаҳон ва мамлакатимиз ривожига хизмат қиладиган муҳим, тармоқ корхоналарида мавжуд техник-технологик муаммолар ечимига қаратилган илмий ишланмалар борасида тадқиқотлар олиб бориб, миллий иқтисодиётни ривожлантирувчи инновацион маҳсулотлар яратмоқда.

Бугунги кунда университетда қарийб минг нафар профессор-ўқитувчи ишламоқда. Улардан 304 нафари илмий даражага эга бўлиб, илмий салоҳият 31 фоизни ташкил қилади. 13 мутахассислик бўйича 6 та илмий кенгаш фаолият юритмоқда. 1 та технологик парк ва 1 та бизнес инкубатор марказимиз ҳам мавжуд, фаолияти самарали йўлга қўйилган. Сўнгги йилда ишланмалар соҳасида 2 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот сотилган бўлиб, охирги 2 ойда ярим миллиард сўмлик янги турдаги инновацион маҳсулотлар сотиш бўйича шартномалар имзоланган. Кейинги икки йилда университет томонидан 1 миллиард 465 миллион сўмлик катта ва кичик стартап лойиҳалар молиялаштирилган.

Университетимизда яримўтказгичли қуёш элементлари ва лазер физикаси илмий ўқув маркази ташкил этилди. Марказда илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадида замонавий ускуналар келтирилди. Бу ерда физика кафедраси профессор-ўқитувчилари ва докторантлари илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш борасида иккита драйвер лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳалар якунида илмий тадқиқот ишланмаларини амалиётга жорий қилиш учун тавсиялар берилади. Шунингдек, қуёш панеллари йиғиш линиясини ишга тушириш орқали иқлим шароитимизга мос маҳсулотлар йиғилади.

Ҳозир марказда “Қуёш элементларида фойдаланиладиган нанотузилмали гидрофобик ва супергидрофобик материалларни ўрганиш”, “Қуёш батареялари учун самарали композицион шаффофлаштирувчи қопламалар яратиш”, “Қуёш панелларига турли ташқи омилларнинг таъсирини комплекс ўрганиш учун компьютерда бошқариладиган ускуна ишлаб чиқариш” сингари драйвер лойиҳалар хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда рўёбга чиқарилмоқда.

Маънавият ва гўзалик даргоҳи

Тобора глобаллашаётган замонда ёшларнинг руҳан соғлом, кенг дунёқарашли, қатъий ҳаётий позиция ва турли ёт ғояларга қарши тура оладиган хислатларга эга бўлиши устувор масалага айланмоқда. Бу борада ота-она ва таълим муассасаси ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилиши долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда университетда талабаларнинг ота-оналари ҳамда раҳбарият ўртасида мунтазам очиқ мулоқотлар ўтказиш йўлга қўйилган. Бунда “Ота-оналар конгресси”нинг ўрни катта. Бу учрашувларда ота-оналар таълим тизими ва ўқув жараёни, ички тартиб-қоидалар ва талаба-ёшлар сифатли билим олиши учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлмоқда. Ўз навбатида, улар ҳам ўқув жараёнига доир фикр ва таклифлар, тавсияларни илгари суради.

Талаба-ёшларни ватанга садоқат, муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар қалбида миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларга содиқлик, ҳурмат туйғуларини сингдириш, буюк алломалар илмий-маданий меросини ўрганиш, таништириш, кенг тарғиб қилиш мақсадида доимий тарзда ўтказиб келинаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг ҳам аҳамияти катта.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Урганч давлат университети томонидан ҳар йилги “долзарб 40 кунлик”да самарали ишлар бажарилмоқда. Жумладан, кузги мавсумда кўкаламзорлаштириш, дарахт ва буталарни муҳофаза қилиш, яшил майдонларни кенгайтириш каби хайрли ишларнинг узвий давоми сифатида олийгоҳ ҳудудида “Устозлар боғи” ташкил этилди. Кузги мавсумда 110 туп арча, 150 туп қарағай, 80 туп олча, 60 туп гужум, 40 туп терак ва 400 туп бошқа кўчат қадалди ва уларнинг парваришига алоҳида эътибор қаратиляпти. Ўқув тажриба майдонидан 1 гектар ажратилиб, 2000 туп олхўри кўчати экилди. Улар ҳам яқин истиқболда худди ёшларимиз каби униб-ўсади ва мева беради.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

КЎРГАЗМАЛИ ЖАРРОҲЛИК ДАРСЛАРИ

ёш физиологлар учун қизиқарли ва фойдали

Олимларнинг айтишича, ўткир ва хроник экспериментлар, “in vivo” ва “in vitro” тажрибалари ўтказишда, кўргазмали жарроҳлик дарсларида, асосан, қуён ва каламушлардан фойдаланилади. Бу бежиз эмас.

Бошланиши 1-бетда

Олий таълим, фан ва инновациялар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Тошкент тиббиёт академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган машғулотда нафақат юртимиз олий ўқув юртлари талабалари, балки қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Чехия, Беларус университетлари физиолог олимлари, талабалари онлайн иштирок этди.

Инсон саломатлиги ва фаровон ҳаётида физиологиянинг ўрни ғоят катта. У ҳаёт ҳақидаги фан бўлиб, тиббиёт, ветеринариянинг асосидир. Қолаверса, соғлом турмуш тарзи айнан инсон физиологиясига боғлиқ. Дунёдаги энг нуфузли Нобель мукофоти ҳам биринчи бўлиб физиология ва тиббиёт йўналиши бўйича берилади. Бироқ мамлакатимизда физиология узоқ йиллар эътибордан четда қолиб кетди. Илм-фан ва таълим ривожи йўлидаги тизимли ишлар туфайли юртимизда мазкур фан ривожида янги саҳифалар очилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети одам ва ҳайвонлар физиологияси кафедраси ҳузурида Физиология илмий-тадқиқот маркази ҳамда Янги Ўзбекистон ёш физиологлари мактаби очилгани бунинг ёрқин далилидир.

Марказ ва ёш физиологлар мактаби олдига қўйилган асосий вазифа талабалар, ёш олимлар орасида физиология фанини кенг тарғиб қилиш, жаҳон физиологлари тажрибасини чуқур ўрганишдан иборат. Шу билан бирга, бўлғуси мутахассисларни инновацион физиологик лабораториялар билан яқиндан таништириш, мустақил экспериментлар ўтказиш орқали юқори малакали, профессионал, бугуннинг талабига мос кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш мақсад қилинган. Шу боис, машғулотлар инновацион усул ва технологиялардан фойдаланилган ҳолда ўтказиляпти. Чунки назарий билимлар амалиёт билан уйғунлашса, янада мустаҳкамланади, ёшларни янгиликларга руҳлантиради.

Навбатдаги машғулотда “Қуён ичагида инновацион физиологик сурункали (in vivo) жарроҳлик усули” мавзусида жарроҳлик амалиёти бажарилди.

— Бугунги машғулотимизда физиологиянинг энг долзарб масалаларидан бири бўлган овқат ҳазм қилиш мавзусига мурожаат қилдик, — дейди Физиология илмий-тадқиқот маркази раҳбари, академик Бакриддин Зарипов. — Инновацион “in vivo” усулида қуён ичаги изоляция қилиниб, фистула қўйилди. Бу овқат ҳазм қилишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилишга қаратилган жарроҳлик амалиётидир. Унинг аҳамияти шундаки, операциядан сўнг талаба ва ёш тадқиқотчиларимиз овқат ҳазм қилиш тизими, хусусан, овқат сўрилиши, парчаланиши, витамин, йод ва токсик моддаларнинг организмга таъсирини тирик қуён мисолида ўрганади. Қувонарлиси, ёш олимлар, бакалавр ва магистрлар ушбу жараённинг кузатувчиси эмас, бевосита иштирокчиси бўлди. Бу эса назарий билимларини амалиётда синаб кўриш имконини берди.

Олимларнинг айтишича, ўткир ва хроник экспериментлар, “in vivo” ва “in vitro” тажрибалари ўтказишда, кўргазмали жарроҳлик дарсларида, асосан, қуён ва каламушлардан фойдаланилади. Бу бежиз эмас. Чунки ушбу жониворлар физиологик функциялари, жумладан, овқат ҳазм қилиш, қон айланиш, гормонлар ишлаши ва бошқа жиҳатлари билан одамларга энг яқин ҳисобланади.

Инновацион машғулотда жарроҳлик ускуналари, уларнинг яратилиш тарихида Абу Али ибн Сино бобомизнинг беқиёс хизмати, чок турлари, ичакни изоляция қилиш ва фистула қўйиш каби нозик масалалар кенг тушунтирилиб, жарроҳлик амалиётидан сўнг жониворларни парваришлаш бўйича маълумот берилди. Хорижий олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда бундай машғулотлар мунтазам ўтказилиши белгилаб олинди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

САНЪАТИМИЗ ДАРҒАЛАРИ

Ҳалима Носирова: Мен ҳеч қачон саҳнани тарк этмайман...

У 24 ёшида Ўзбекистон ва собиқ шўролар давлати халқ артисти унвонига сазовор бўлган. Бу ўша давр учун ҳам, бугун ҳам жуда катта муваффақият. Гап биринчи ўзбек опера хонандаси, ажойиб овоз соҳибаси Ҳалима Носирова ҳақида кетаётганини билган бўлсангиз керак.

1913 йил 7 декабрда Қўқон шаҳридан унча узоқ бўлмаган Тоғлик қишлоғида яшовчи косиб Муҳаммад Носир ва уй бекаси Хосиятхон оиласида учинчи қиз дунёга келади. Унга Ҳалима деб исм қўйишади. Муҳаммад Носир санъат ва шеъриятни яхши кўрар, китоб ўқир, дутор чертар, қўшиқлар айтарди. Хосиятхон ҳам ширали овоз соҳибаси бўлиб, уйида қўшиқлар хиргойи қилиб юрарди. Шундан бўлса керак, Ҳалиманинг қалбида ёшлигидан санъатга ҳавас уйғонади.

Орадан кўп ўтмай, оилада ўғил фарзанд — Расулжон туғилади. Шу орада оиланинг катта қизи Ҳожарни турмушга беришади. 1918 йили оила бошига мусибат тушади — Муҳаммад Носир вафот этади ва қийин аҳволда қолган Хосиятхон фарзандлари билан Қўқонга йўл олади. У шаҳарда яхши одамлар ёрдамида ишга киради. Фарзандлари Ойша, Ҳалима ва Расулжонни болалар уйига жойлаштиради.

Ҳалима ва опаси Ойша болалар уйида ўқишни ўрганади. Ёш бўлса-да, драма тўгараги ишини фаол кузатади. Саҳнада рўй бераётган воқеаларни томоша қилиш унга жуда қизиқ эди. Кўплаб қўшиқ ва шеърларни ёдлайди ва хиргойи қилиб юради.

Бир куни Қўқонга Муҳиддин Қориёқубов раҳбарлигидаги концерт бригадаси келади. Шу муносабат билан шаҳардаги боғда тумонат одам йиғилади. Улар орасида болалар уйи тарбияланувчилари ҳам бор эди. Саҳнада паранжисиз қиз пайдо бўлади ва жўшиб қўшиқ куйлай бошлайди. Қўшиқни ҳамма берилиб тинглайди. Шу пайт бирдан ўқ овози эшитилади. Атроф остин-устун бўлиб кетади. Қизиқчи Юсуфжон Шакаржонов қаердандир паранжи топиб, ашула айтган қизнинг юзини ёпади ва улар бир зумда яширинади. Кейинроқ Ҳалима бу аёл Тамарахоним эканини билиб олади. Кечқурун болалар воқеани муҳокама қилишади. Қўшиқ айтган қиз Ҳалимада жуда катта таассурот қолдирган эди. Унинг ҳар бир ҳаракатини ўзича такрорлайди ва қизалоқнинг қалбида санъатга иштиёқи янада авж олади.

1922 йил баҳорида Қўқонга комиссия келиб, Тошкент хотин-қизлар педагогика техникумига ўқувчилар танлайди. Бу ҳақда болалар уйи директори йиғилишда эълон қилади. Ўқишни хоҳлайдиганлар жуда кўп эди. Ўша куни кечқурун фарзандларини олиб кетиш учун келган онасини Ҳалима саволга тутади:

— Аяжон, дугоналаримни Тошкентга ўқишга олиб кетмоқчи, бундан хабарингиз борми?

— Хабарим бор, комиссия хоҳловчиларнинг барчасини олиб кетмоқчи. Чунки мамлакатга жуда кўп ўқитувчи керак. Ўқитувчилик аёл учун жуда фахрли касб, — дейди онаси.

Шунда Ҳалима онасига қараб:

— Мен Тамарахонга ўхшаб артист бўлишни хоҳлайман, — дейди.

— Қизгинам, — дейди онаси. — Албатта, бир куни артист бўласан. Аммо бунинг учун жуда кўп ўқиш керак...

1922 йил кузида тўққиз ёшли Ҳалимани Тошкент педагогика техникуми тайёрлов бўлими биринчи курсига қабул қилишади. Техникум ҳузурида интернат бор эди. Узоқдан келганларнинг барчаси шу интернатга жойлашади. Шароит қанчалик яхши бўлмасин, ёш Ҳалиманинг интернатга кўникиб кетиши қийин кечади. Кунларнинг бирида директор Саодатхон Ҳалиманинг кайфиятсиз турганини кўриб, уни катта залга олиб киради. Бу ерда рояль бор эди. Сўнг роялда мусиқа чалади. Ҳалима мусиқани жимгина тинглар экан, онасини, у айтган қўшиқларни эслайди.

— Сенга бу мусиқа ёқдими? — деб сўрайди Саодатхон.

— Жуда ёқди, илтимос, менга мусиқа чалишни ўргатинг, — дейди Ҳалима. Шундай қилиб, у техникумда мусиқа билан шуғуллана бошлади.

Боку театр техникуми талабаси

1924 йили Ўзбекистон ҳукумати юртимизнинг турли бурчакларида яшовчи бир неча иқтидорли ёшни Боку театр техникумига жўнатади. Улар орасида Ҳалима Носирова ҳам бор эди. Стипендия озлиги ва яшаш шароити оғирлигига қарамай, ўзбекистонлик болалар жуда завқли ҳаёт кечиришди. Узеир Ҳожибековнинг “Аршин мол олан” мусиқали комедиясини саҳналаштиргани талабалар ҳаётида унутилмас воқеа бўлади. Ҳалима бу саҳна асарида Гулчеҳра ролини ижро этади. Таътилда Ўзбекистонга қайтгач, улар “Аршин мол олан”ни бир неча шаҳарда намойиш этиб, олқишлар олади.

Талабалар ёзги таътилдан сўнг Бокуга боргач, қайғули хабар — ёш актриса Турсуной Саидазимова турмуш ўртоғи томонидан ўлдирилганини эшитадилар. Ўша пайтда Турсуной Самарқанд театрида ишларди. Шу боис, театрга ёш, иқтидорли актриса излашади.

Кунларнинг бирида техникум раҳбари Ҳалимани ҳузурига чақиради. Стулда жиддий қиёфали, қотмадан келган бир одам ўтирарди. У Ҳалимага диққат билан қарайди ва ўтиришга таклиф этади.

— Ёшингиз нечада? — сўрайди у.

— Ўн бешда.

— Ўн бешда? Бу инсон ҳаётининг энг гўзал пайти... Сиз театрда ишлашни истайсизми?

— Ҳа, — секингина жавоб беради Ҳалима.

— Яхшилаб ўйлаб кўринг. Сиз Турсуной-нинг ўрнига борасиз. Уни ўлдиришганидан хабарингиз борми?

— Хабарим бор, шунинг учун актриса бўлмоқчиман, — дейди Ҳалима қатъий.

Турсуной Саидазимова биринчи ўзбек актрисаларидан эди. У жуда олижаноб инсон, сафдошларидан ёрдамини ҳеч аямасди. Бу ҳақда Ҳалима Носирова кейинчалик бундай эслайди:

“Менинг опера артисти бўлишимни илк ўзбек актрисаларидан бири, ноёб истеъдод соҳибаси, санъат йўлида барвақт шаҳид кетган Турсуной Саидазимова башорат қилган эди. Бокудан Тошкентга таътилга келган вақтимда Турсуной Саидазимова билан танишдим ва яқин дўст бўлиб қолдик. Ўша пайтдаги суҳбатларимиздан бирида мен унга ўзимнинг энг яхши кўрган ашулаларимдан бирини айтиб берганимда берилиб тинглади ва “Сен ашула айтишга ўқишинг керак. Сендан опера артисткаси чиқади, ажойиб овозинг бор”, деди. Унинг маслаҳати туфайли 1934 йили Москва консерваторияси ҳузуридаги ўзбек опера студиясида ўқидим. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ишга тушгач, 1939 йили шу театр саҳнасида биринчи бўлиб М.Ашрафий ва С.Василенконинг “Бўрон” операсида Норгул образини яратдим. Кейин эса Р.Глиэр ва Т.Содиқовнинг “Лайли ва Мажнун” операсида Лайли ролини ижро этдим...”.

“Сизнинг ажойиб овозингиз бор экан”

Шундай қилиб, 1928 йили Ҳалима Носирова Самарқандда фаолият кўрсатаётган Ўзбек давлат намуна сайёр труппаси актрисасига айланади. Бу пайтда труппада ўзбек театрининг ёркин юлдузлари Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Обид Жалилов, Махсума Қориева, Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтўраева ишларди. Уларнинг ҳаммаси Москва театр студияси битирувчилари эди. Театр жамоаси Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”, Ҳамзанинг “Заҳарли ҳаёт”, Шиллернинг “Қароқчилар”, “Макр ва муҳаббат” спектаклларини саҳналаштирганди.

Гоголнинг “Ревизор” комедиясидаги Марья Антоновна роли Ҳалима учун дастлабки синов бўлди. Актриса ўзига ишониб топширилган образни жуда жонли ижро этди. Шундан кейин у бирин-кетин “Лайли ва Мажнун”да Лайли, “Икки бойга бир малай”да Кларича, “Маликаи Турандот”да Турандот ролларида саҳнага чиқди.

Кунларнинг бирида актёрлар кеча уюштиришади ва Ҳалимадан қўшиқ айтишни илтимос қилишади. Ҳалима эса рад жавобини беради. Бу воқеани кузатиб турган Маннон Уйғур Ҳалимага қарайди ва сўрайди:

— Сиз қўшиқ айтасизми?

— Ҳа, баъзи-баъзида.

— Унда бизга қўшиқ айтиб беринг, — илтимос қилади Уйғур.

Ҳалима аввал шўх қўшиқ куйлайди. Сўнг мунгли овозда халқ қўшиқларидан бирини ижро этади. Қўшиқ тугаши билан ҳамма уни олқишлаб, қарсак чалади.

— Сизнинг ажойиб овозингиз бор экан, — дейди ҳаяжон билан Маннон Уйғур. — Тасаввур қиляпсизларми, ўртоқлар, бизни ажойиб келажак кутиб турибди. Биз мусиқали драмаларни ҳам саҳналаштиришимиз мумкин. Ҳалима Турсунойнинг ўрнини босади. Вақти келиб, мамлакатимизда ҳам ўзбек операси бўлади.

Ҳалима Носирова ўша йилларни бундай эслайди:

— Мен ўзбек куй ва ашулаларини, мақомларини севимли ҳофизларимиз ҳамда устоз созандаларимиз Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Ҳожи Абдулазиз, Муҳиддин Қориёқубов, Ҳалим Ибодов, Юсуфжон қизиқ, Уста Олим Комилов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умурзоқов, Мадраҳим Шерозийдан ўргандим.

Орадан кўп вақт ўтмай, жамоа Ғулом Зафарийнинг биринчи ўзбек мусиқали драмаси — “Ҳалима”ни саҳнага олиб чиқади. Ўзбек мусиқаси билимдони Тўхтасин Жалилов “Ҳалима”, “Фарҳод ва Ширин”, “Тоҳир ва Зуҳро” спектакларига мусиқа ёзади. Айнан у Ҳалимага ўзбек қўшиқларини теран ҳис қилиш ва ижро этиш сирларини ўргатади.

Комил Яшин билан танишув

Ўша йилларда Андижон театри жамоаси ҳам қизғин ижод палласига кирган эди. Театрлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, тажриба алмашиш мақсадида 1929 йили Андижон театри раҳбарияти репертуарлар бўлими бошлиғи Комил Нўъмоновни Самарқандга юборади. У шаҳарга келган кунининг эртасигаёқ театрга боради. Саҳнада “Аршин мол олон” спектакли кетаётган эди. Бош ролни эса ёш, нозиккина, ўрта бўйли қизалоқ ижро этарди. Спектакль тугагач, Комил саҳна ортига ўтади ва ўз мухлислари даврасида қўлида гул билан турган Ҳалимани кўради.

— Кечирасизлар, актриса дам олиши керак. Шу боис, ҳаммаларингиз ташқарига чиқишингизни сўрайман, — дейди баланд овозда Комил.

Ҳалима бошини кўтарди ва нотаниш йигитга ҳайрон бўлиб қарайди. Комил фурсатни бой бермайди:

— Рухсат берсангиз ўзимни таништирсам, Комил Нўъмонов.

— Раҳмат, мен эса...

— Сиз Ҳалима Носировасиз, — дейди Комил ундан олдинроқ. Кейин Ҳалимани анчадан буён билишини, Қўқонда интернатда ўқиб юрганда интернатга боргани, улар қўйган спектаклни кўрганини айтиб беради, ўзининг шеърларини ўқийди...

Ҳалима Носирова бўлғуси турмуш ўртоғи, ёзувчи, драматург Комил Яшин (Нўъмонов) билан шундай танишган эди. Орадан бир ой ўтгач, улар турмуш қуришга аҳд қилишади. Ҳалима бу қарорини ҳамкасбларига айтганида, кўпчилик ҳайрон бўлади. Чунки улар турмуш қуришса, Ҳалима театрни тарк этарди-да.

“Маннон Уйғурни эсланг ва қайтинг...”

Улар Андижонга йўл оладиган кун Маннон Уйғур Ҳалимани чақириб, қатъий оҳангда бундай дейди:

— Ҳалимахон, сизда драматик актёрлик устунми ёки хонандалик, буни билмайман, аммо бир нарса аниқ, сиз саҳнада қолишингиз керак.

— Мен ҳеч қачон саҳнани тарк этмайман, — жавоб беради Ҳалима.

— Биласизми, агар сизга қийинчилик туғилса ва ёрдам керак бўлса, театримизни, Маннон Уйғурни эсланг ва қайтинг... Сизнинг жойингиз доимо сақланиб туради.

Андижонда Ҳалима театрга ишга киради, Комил эса театр учун пьесалар топиш билан шуғулланди, мактабда адабиётдан дарс беради. Улар жуда камтарин яшашади.

1930 йил июнь ойида Андижон театри Ўзбекистон санъат арбоблари делегацияси таркибида Москвага йўл олди. Улар собиқ иттифоқ халқлари миллий санъати фестивалида иштирок этади. Фестивалда Андижон театри “Ҳалима” ва “Ўртоқлар” спектаклини намойиш қилади. Ўзбек санъаткорларининг қўшиқ ва рақсларини москвалик санъат ихлосмандлари катта олқишлар билан кутиб олади.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида ўзбек мусиқа санъати қайси йўлни танлайди, қайси йўлдан боради, Европа мусиқаси билан ҳамкорлик қандай натижа беради, деган саволлар пайдо бўлганди. Ҳалима Носирова куйлаган мумтоз қўшиқлар барчага бирдек ёқар, шунинг учун Европа мусиқаси миллий санъатга салбий таъсир кўрсатади, деган қарашлар ҳам йўқ эмасди. Шундай кунларнинг бирида Ҳалима Носирова Москва давлат консерваторияси ҳузуридаги ўзбек опера студиясига ўқишга киради. У чуқур профессионализмсиз маҳорат, демак санъат ҳам бўлмайди, деган қарорга келган эди. Консерваторияда ўқиб юрган пайтларида Ҳалима деярли ҳар куни театрларда, концертларда бўлар, санъатга оид лекциялар тингларди.

1936 йили Ҳалима Носирова консерваторияни тугатиб, Тошкентга қайтади. Бу пайтга келиб, Тошкент пойтахтга айланган, 1931 йилдан Самарқанд театри ҳам Тошкентга кўчган эди. Ёш жамоа қисқа фурсатда концерт ва спектакллари билан нафақат Ўзбекистон кентлари, балки Париж, Лондон, Қоҳира каби шаҳарларга боришга ҳам улгурган, энг муҳими, ҳамма жойда муваффақият қозонаётган эди.

1939 йили биринчи ўзбек операси — Мухтор Ашрафий ва Сергей Василенконинг “Бўрон” операси саҳналаштирилади. Шу кундан бошлаб театр Ўзбек давлат опера ва балет театри деб номланади. Бу театрда Ҳалима Носирова деярли ҳаётининг қолган барча қисмини ўтказди. Бу пайтга келиб, Ҳалима ва Комил Яшин бутунлай ўзларини театрга, адабиётга, санъатга бағишлайди. Оилавий ҳаёт ҳам ўз йўлидан давом этади. 1934 йилнинг баҳорида уларнинг ўғли Баҳодир дунёга келади. 1940 йили эса қизи Нодира туғилади. Болалар тарбияси билан уларнинг қариндошлари шуғулланади. Болалар катта бўлгач эса ўз йўлларини танлашади. Баҳодирнинг мусиқага иқтидори бўлса-да, Тошкент политехника институтига ўқишга киради. Кейин Киевда номзодлик диссертациясини ёқлайди ва техника фанлари номзоди бўлади. Нодира эса ёшлигида хореографияга қизиқади, кейин Москвага бориб, МДУ ҳузуридаги Шарқ тиллари институтига ўқишга киради. Ўша ерда турмушга чиқади ва ўзи ўқиган институтда узоқ йиллар араб тилидан дарс беради.

Доли бобо хотиралари

Қўшиқ инсон меҳнатида, ҳаётида, тақдирида доимий йўлдошдир. Халқнинг севимли санъаткори Ҳалима Носирова Катта Фарғона, Тошкент, Лоғон, Чирчиқ каналлари, Каттақўрғон сув омбори, Фарҳод ГЭСи қурилишларида, Мирзачўл, Қарши, Жиззах чўлларини ўзлаштиришда, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқ руҳини кўтаришда ўз санъати билан фаол қатнашади.

Оқдарёлик Доли бобо бундан йигирма йиллар аввал Ҳалима Носирова билан боғлиқ бир гапни айтганди:

“Мен Каттақўрғон сув омбори қурилишида иштирок этганман. Қурилишга тез-тез санъаткорлар ташриф буюриб, концерт бериб кетарди. Бир куни Ҳалима Носирова келди. Жуссаси ўртачадан келган аёл экан. Майдонга тумонат одам йиғилди. Ҳалима ўзи учун тайёрланган жойга чиқиб куйлашни бошлади. У пайтларда овоз кучайтирадиган аппаратлар у ёқда турсин, оддий микрофон ҳам йўқ. Унинг овози шунчалик кучли эдики, икки юз, уч юз метр узоқда турган ишчиларга ҳам аниқ-тиниқ эшитиларди. Ишчилар унинг қўшиқларини нафас олмай, берилиб тинглашарди. Мен ҳозир ҳам ўйлаб ўйимнинг охирига етолмайман. Наҳотки, Ҳалиманинг овози шунчалик кучли бўлган. Ўша пайтларда қурилишларга артистлар тез-тез келиб, концертлар бериб турарди. Бу ишчиларнинг кайфиятини кўтариб, иш унумига ҳам фойда берарди. Концертдан сўнг ишчилар яна ҳам катта ғайрат билан ишларди”.

Доли бобонинг ҳикоясини эшитгач, кўнглимдан қуйидаги фикрлар ўтди. Ўша пайтдаги хонандалар қанчалик олижаноб бўлишган экан-а! Тинмай катта-катта қурилишларда концертлар беришган. Керак бўлса, ҳафталаб, ойлар юришган бундай зарбдор қурилишларда. Бугун ҳам мамлакатимиз катта қурилиш майдонига айланган. Лекин ўзини санъаткор, шу юрт фарзанди деб юрган бирор хонаданинг бирор қурилиш майдонига бориб текинга концерт берганини эшитмадим.

Ҳар йили куз ва қишда Оролнинг қум босган жойларида зарбдор кунлар ўтказилиб, саксовул, қандим каби буталар экилади. Бу ерга мамлакатимизнинг барча вилоятларидан одамлар бориб ишлайди. Лекин бирорта ҳофиз шулар ҳузурида бўлиб, концерт берганини эшитмадим. Албатта, улар орасида Ҳалима Носирова каби артистларга ҳавас қиладиган, уларни ғойибона устоз биладиганлар кўп, лекин улар қилган ишни қилишда эса...

Қорақалпоғистон узоқ, майли, уни қўя турайлик. Пойтахтимизда қанча қурилишлар бўляпти. Масалан, “Тошкент сити”ни барпо этишда ўз вақтида минглаб қурувчилар меҳнат қилди. Артистларимиз лоақал ўша қурувчиларга ҳам беминнат хизмат кўрсатгани йўқ. Лекин улар қурган бинолар олдида клиплар олишга уялишмаяпти.

Дунёни лол айлади

Ҳалима Носирова ёқимли, жозибадор, дилларни ром қилувчи овози билан Ҳиндистон, Бирма (ҳозирги Мьянма), Ливан, Миср, Эрон, Хитой, Канада каби ўнлаб мамлакатлар мухлисларини ўзига мафтун эта олган санъаткор эди. У, айниқса, ўзбек опера санъатида алоҳида мактаб яратди ва бу ноёб санъат ривожига улкан ҳисса қўшди. “Лайли ва Мажнун”, “Гулсара”, “Кармен”, “Бўрон”, “Майсаранинг иши”, “Зайнаб ва Омон”, “Хоразм қўшиғи”, “Улуғбек” сингари ўнлаб операларда бош ролларни ўйнади. “Ушшоқ”, “Чоргоҳ”, “Баёт”, “Самарқанд ушшоғи”, “Чапандози Наво” сингари мақом ва халқ ашулаларини ўзига хос услуб билан ижро этди. У тожик, қозоқ, арман, озарбайжон, хитой, рус, украин халқлари қўшиқларини ҳам маромига етказиб куйлай оларди.

Санъаткорнинг хизматлари юксак баҳоланган. Бир неча марта собиқ иттифоқ давлат мукофотлари, 1971 йили Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати бўлди. 2000 йилда эса “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.

Ўзбек санъатининг улуғ намояндаси, бетакрор овоз соҳибаси Ҳалима Носирова 2002 йили 90 ёшида вафот этди.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ тайёрлади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1246.
43301 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:35 Топширилди — 23:10

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05